



tiklanish



MILLIY QADRIYATLARGA TAYANGAN TARAQQIYOT!

ЖУРНАЛИСТ ЭШИТГАНИНИ ЭМАС, КЎРГАНИНИ ЁЗИШИ КЕРАК

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙ ОЛАДИМИ?

ВЕНГРИЯГА ТАШРИФ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЮҚОРИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Венгрия томонининг таклифига биноан 3-4 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

4 октябрь кuni Будапешт шаҳрида Венгрия Парламентининг биноси рўпарасидаги Лайош Кошут номидаги майдонда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Майдонда олий мартабали меҳмон шарафига пиёда ва отлик аскарлардан иборат фахрий қоровул саф тортиди. Икки мамлакат давлат мадҳиялари ижро этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Президенти Каталин Новак расмий делегациялар аъзоларини кутлади.

Маросим якунида фахрий қоровул тантанали саф тортиб ўтди.

Давоми 2-бетда

Куни кеча дунё матбуоти бир янгиликни эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистоннинг тизимли мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам бериш бўйича эришган муваффақиятларини ҳисобга олиб, АҚШ Меҳнат вазирлиги Ўзбекистонда етиштирилган пахта ҳосилини «Болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рўйхати»дан чиқарилишини эълон қилди. Ушбу қарор Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотларни АҚШга олиб киришга қўйилган расмий чекловларни бекор қилади ва шу орқали маҳаллий тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш учун янги имкониятлар яратди.

Бу ёрқин галабам, йўқми?! Кўнглида озгина Ватанга, шу Миллатга меҳри бўлган одам бугун бундан тан олади, фахрланади, албатта! Мен ушбу хушxabарни олис Европада

хизмат сафарида эшитдим. Ўзбекистонни, бизни яқиндан биладиган ҳамкорларимиз бу оламшумул галаба билан мени кўлимни сиқиб қутлаганида, очиги, кўзларимдан ёш чиқиб кетди.

Ватандан олисда, бегона-

Бу, юз йиллардан буён эрта кўздан то қора қишгача бутун мамлакатнинг катта-кичиги пахта даласига сочилиб кетадиган, сиёсат ҳам, маънавият ҳам, ватанпарварлиги халқпарварлик ҳам эгатлар орасидан «изланадиган» юрт одамлари учун худди эртақдай гап, аслида.

лар орасида сенинг халқинг, миллатинг эришган муваффақиятлар ҳақида эшитиш кўнглини жуда юксакларга кўтараркан. Ҳолбуки, бу даврда катта бизнес вакиллари, халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари, сиёсатчилар борлиги Ўзбекистонимиз эришган ушбу галабанинг нақадар жиддий эканини ургулайди.

Хўш, биз аслида хурсанд бўлишимиз керак бўлган хушxabарнинг моҳиятида нима ётади, ўзи?



ЎЗБЕКИСТОН ИМИЖИ

ДУНЁВІЙ ЭЪТИРОФ

3

4



1938 ЙИЛНИНГ 4 ОКТАБРИДА

СССР олий суди ҳарбий коллегияси томонидан ўзбекистонлик 507 сиёсий маҳбўсга нисбатан чиқарилган отув ҳукми ижро этилган.

5

ХОРИЖДАГИ ЎЗБЕК ОШХОНАЛАРИГА ЭЪТИБОР КЕРАК

Кўнглини хира қилгани аксарият ўзбек рестороанлари деворларига Эйфель минорасию Америка биноларининг расмлари осилган. Айримларида эса умуман ўзбекча сўз йўқ. Таомномасида ҳам, асосан ўзбек таомлари бўлсада, «борш», «солянка», «оливье» каби рус ва украин таомлари кўшилган.



МАРҒИЛОН АТЛАСИ ТОВЛАНЯПТИ 8



КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН

4 ЛОЙИХАСИ ЮРТДОШЛАРИМИЗДАН КЕЛИБ ТУШГАН ТАКЛИФЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА



РАСМИЙ МУНОСАБАТ РАСМИЙ МУНОСАБАТ

6



ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТОШКЕНТДА

Беш-олти йил аввал Хитойда бўлганимда болаларнинг китоб дўконларида полда ўтириб, айримлари эса ётиб олиб китоб ўқиётганларига гувоҳ бўлгандим. Оналарининг эса уларга ҳалақит қилмай, мутолаани тугатишларини сабр билан кутишаётганларига қойил қолгандим. Ушунда хитойликларнинг ўқимаса, ўқитамиз, деган ақидага қатъий амал қилишлари, ўқишни хоҳламаган болаларни мажбуран ўқитишларини эшитгандим.

Бугун бизда ҳам ёшлар

китоб ўқимай қўйиши, деган гаплар тез-тез қулоққа чалиняпти. Афсуски, бу гапда жон бор. Бу масала ҳатто давлатимиз раҳбарини ҳам ташвишга солаётгани, машина совға қилиб бўлса ҳам ёшларни мутолаага қайтаришга ҳаракатлар бўлаётгани аини ҳақиқат.

«Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан болалар ва ўсмирлар нашрлари («Тонг юлдузи», «Класс», «Bolalar sporti» газеталари, «Ғунча», «Гулхан» журналлари) билан ҳамкорликда ўқувчилар ўртасида ўтказилган ин-

шолар танловида ҳам айнан ана шундай ёндашув устуворлик қилди, дейиш мумкин.

Танлов асосан ўқувчиларнинг ёзи таътил кунларига тўғри келганига қарамай унинг иштирокчилари кутганимиздан-да кўп бўлди. Қувонарлиси, танловда умумтаълим мактаблари билан бирга Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқувчилари ҳам ўз ижодий ишлари билан иштирок этдилар.

Давоми 5-бетда

ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ЭЪТИБОР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАДИ

4



Чоршанба
5 октябрь, 2022 йил
№34 (1183)

”

Ўзбекистон – Венгрия муносабатлари 2021 йилда стратегик шериклик даражасига кўтарилгани чинакам тарихий воқеа бўлгани ҳамда халқларимизнинг кўп асрлик дўстлиги ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бугунги ривожига тўлиқ ҳамоҳанглигини таъкидлашди.

РАСМИЙ
ТАШРИФ

ВЕНГРИЯГА ТАШРИФ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЮҚОРИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Бошланғич 1-бетда)



Шавкат Мирзиёев Венгрияга расмий ташрифи доирасида Будапешт шаҳрининг Қахрамонлар майдонидаги Хотира устунини пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Венгрия давлатчилигини барпо этишга ҳисса қўшган буюк арбоблар хотирасига ҳурмат баҳо келтирди.

Ушбу маскан Будапештнинг бош майдонларидан бири бўлиб, ЮНЕСКОнинг Бутунжапон мероси рўйхатига киритилган. Майдон марказида Минг йиллик устун қад ростлаган, унинг пойида мижаз қабилаларнинг 7 нафар бошлигининг ҳайкали ўрнатилган. Ушбу ёдгорлик венгерларнинг бугунги ватанини толиши ва Венгрия қироллигига асос солинишига бағишланган.

Мажмуада венгер халқининг атоқли намоёндалари ҳайкалларида иборат 2 та колонна joyлашган. Ёдгорликнинг олд томонида Венгрия қахрамонлари шарафига хотира тошхатаси ўрнатилган.

Будапешт шаҳридаги Шандор саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрия Президенти Каталин Новак билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Фахрий меҳмонлар китобида қайд қолдири, етакчилар биргаликда суратга тушушди.

Президентлар Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Халқларимизнинг азалий тарихий алоқалари муштарак қадриятлар ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш учун пойдевор бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Арминий Вамбери ва Исхак Ибрагим каби шарқшунос олимлар тарихий ишталаримиз ва бой маданий меросимизни ўрганишга катта ҳисса қўшгани алоҳида қайд этилди.

Икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани, сиёсий мулоқот чуқурлашиб, ўзаро кўмак давом эттирилаётгани, парламентларо ва жамоатчилик алоқалари кенгайиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш устувор аҳамиятга эга. Кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми қарийб уч баробар ошгани қайд этилди.

Бу борадаги ишларни фаллаштирашда иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Венгрия ҳукуматлараро комиссияси ва 3 октябрь куни Будапештда иккинчи йиғилишини ўтказган Ўзбекистон – Венгрия Ишбилармонлар кенгаши муҳим ўрин тутмоқда.

Томонлар Ўзбекистон Европа Иттифоқининг GSP+ преференциялар тизимига қўшилгани ўзаро савдони салмоқли даражада кўпайтириш ва диверсификация қилиш учун янги имкониятлар очишини таъкидладилар.

Ўзбекистон – Венгрия

ҳамкорлигини ривожлантиришда маданий-гуманитар соҳа алоҳида ўринга эга. Венгрия ҳукумати "Хунгарикум" дастури доирасида Ўзбекистонлик талаба ва докторантлар учун ҳар йили ажратиладиган квотани 170 тагача ошириш тўғрисидаги қарорни қабул қилгани айтилди.

Ўзбекистон ва Венгрия олий таълим муассасалари ректорларининг иккинчи форумини ўтказиш мақсада мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, кўп томонлама тузилмалар доирасидаги фаол мулоқотни ва ўзаро кўмакни давом эттириш масалалари

созлик каби соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини тубдан тақомиллаштириш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг асосий натижаларини санаб ўтди: валюта бозори ва фойдани репатриация қилиш эркинлаштирилди, давлат активлари ва банкларни, саноат ва инфратузилма объектларини хусусийлаштириш дастури бошланди, солиқ тизими ислоҳ қилинди.

– Янги Ўзбекистоннинг

қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлигини билдирдилар.

Куни кеча ўтган Ўзбекистон – Венгрия бизнес форумида умумий қиймати 1 миллиард доллардан зиёд инвестиция, савдо ва молиявий келишувлар имзолангани ҳам томонлар ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлигининг наватдаги яққол тасдиғи бўлди.

Учрашув якунида илгари сурилган барча лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ муддатлар ва масъул ижрочилар кўрсатилган комплекс "йўл харитаси"ни қабул қилишга келишиб олинди.

Ўзбекистон вазирлик ва идораларига венгриялик ҳамкорларнинг юртимизда муваффақиятли тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишида ҳар томонлама

янада кўпайтириш учун барча имкониятлар ва омиллар мавжудлиги таъкидланди. Ўзбекистон Евроиттифоқнинг «GSP+» аъзоси мақомига эга экани ҳам бунга хизмат қилади.

Томонлар ўзаро имтиёз ва преференциялар тақдим этиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича қўшма қувватлар яратиш ва шу орқали МДХ, Шарқий ва Жанубий Осиё ҳамда Яқин Шарқ бозорларига чиқишга интилади.

Фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, электротехника, машинасозлик, инновациялар, рақамлаштириш, транспорт ҳамда илмий тадқиқотлар ҳамкорлик учун истиқболли йўналишлар сифатида қайд этилди.

Икки мамлакат етакчилари долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳам муҳокама қилдилар. Халқаро тузилмалар, шу жумладан, БМТ, ЕХҚТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқалар доирасидаги ҳамкорлик масалаларига тўхталиб ўтилди.

Венгрия Бош вазири жорий йилнинг ноябрь ойида Самарқандда ўтказилган Туркий давлатлар ташкилотининг биринчи саммитида иштирок этишини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг музокаралари икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этди.

Етакчилар Ўзбекистон – Венгрия муносабатлари 2021 йилда стратегик шериклик даражасига кўтарилгани чинакам тарихий воқеа бўлгани ҳамда халқларимизнинг кўп асрлик дўстлиги ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бугунги ривожига тўлиқ ҳамоҳанглигини таъкидладилар.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестицион ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми қарийб 3 баробар кўпайганини қайд этди. Томонлар келажакда товар айирбошлашни 500 миллион долларга етказиш режасини рўйбга чиқаришга келишиб олдилар.

Виктор Орбан Венгрия Ўзбекистонни ўзининг муҳим ва узоқ муддатли ҳамкори деб ҳисоблашини таъкидлади. Ушбу ташрифнинг бой дастури ҳам ўзаро мулоқотни ҳар томонлама ривожлантиришга интилиш қатъийлигидан далолат беради.

Қишлоқ хўжалиги, транспорт, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат, электротехника, сувни тежаш ва саноат соҳаларидаги кооперация янги кучли суръат бағишлаш юзасидан келишувга эришилди.

Шу мақсадда ҳукуматларга устувор лойиҳаларни молиялаштириш учун тез фурсатда қўшма фонд тузиш топширилди.

Шу билан бир қаторда бизнес-форум ва кўргазмалар мунтазам ўтказиб борилади, имкониятлар максимал даражада ишга солинади, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг

барча йўналишлари қамраб олинади.

Томонлар яқинда ўтказилган бизнес форумининг муваффақиятли яқунлари, яъни қиймати 1 миллиард доллардан зиёд бўлган инвестиция ва савдо битимлари имзолангани самарали ҳамкорликнинг аниқ амалий натижаси бўлганини мамнуният билан қайд этдилар.

Эришилган келишувларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида Будапештда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонасини очиш юзасидан келишувга эришилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Венгрия етакчилари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасидаги интилиш қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

Будапешт шаҳрида ўтган олий даражадаги музокаралардан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Виктор Орбан Ўзбекистон Республикаси ва Венгрия ўртасидаги стратегик шерикликни ривожлантириш тўғрисида қўшма баёнот имзоладилар.

Ҳужжатда музокаралар дўстона, очик ва конструктив руҳда ўтгани қайд этилган, ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаоллаштириш кўзда тутилган, дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўлгани таъкидланди.

Бундан ташқари, икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида Ўзбекистон – Венгрия стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришга қаратилган 15 та ҳужжат имзоланди. Булар:

- 2023-2024 йилларда саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича қўшма дастур;
- Фан ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар режаси;
- Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ҳаракатлар режаси;
- Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Фанни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим.

Шунингдек, Божхона, адлия, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиги, узумчилик, инвестиция соҳаларида, Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви академияси ва Венгрия Давлат хизмати университети, Самарқанд вилояти ва Хайду-Бихар округи, Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази ва Ташқи ишлар ва савдо институти, Тошкент давлат аграр университети ва Венгрия қишлоқ хўжалиги ва табиий фанлар университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга расмий ташрифи якунланди.

”

ЕТАКЧИЛАР ЎЗБЕКИСТОН – ВЕНГРИЯ МУНОСАБАТЛАРИ 2021 ЙИЛДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КўТАРИЛГАН ЧИНАКАМ ТАРИХИЙ ВОҚЕА бўлгани ҳамда ХАЛҚЛАРИМИЗНИНГ КўП АСРЛИК ДўСТЛИГИ ВА ўзаро МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ БУГУНГИ РИВОЖИГА ТўЛИҚ ҲАМОҲАНГЛИгини таъкидладилар.

ни муҳокама қилдилар. Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти Венгрия Президентини ўзи учун қулай вақтдан мамлакатимизга боришни таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Будапешт шаҳрида Венгриянинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Тадбирда Венгрия иқтисодий ривожланиш вазири Мартон Надь, Савдо-саноат палатаси раиси Ласло Парраг, «OTR Bank» раиси Шандор Чань, шунингдек, «Gedeon Richter», «Bonafarm», «Wizz Air», «Raba Holding», «Meditop», «Master Good», «Kite» каби йигирмага яқин энг йирик компания ва корпорация раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон етакчисининг хорижий мамлакатларга ташрифлари давомида ишбилармонлар билан учрашувлар ўтказиши аънаънага айланган. Бундай тадбирлар бевосита алоқаларни йўлга қўйиш, мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий йўналишдаги муваффақиятларини илгари суриш, чет эл сармоядорларини ўзаро манфаатли лойиҳаларга жалб этишга хизмат қилади.

Венгрия – Европаниннг энг тез иқтисодий жиҳатдан ўсиб бораётган мамлакатларидан бири, қишлоқ хўжалиги, савдо, туризм, молия ва ахборот технологиялари соҳаларида улкан салоҳиятга эга давлат.

Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Қўшма корхоналар ва инвестициялар ҳажми ошмоқда.

Учрашувда фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, электроника ва электротехника, кимё, тўқимачилик, чарм тармоқлари ва автомобил-

таракчиёт стратегиясида тадбиркорлар учун максимал даражада қулай шароитлар яратиш, юртимизда хорижий бизнес фаолиятини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттириш мақсад қилинган. Энг муҳими, хорижий бизнес вакиллари янгилашларимизга ишонди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Учрашувда устувор лойиҳаларни молиялаштириш учун қўшма фонд ташкил этилиши ва у тез фурсатда иш бошлаши айтилди.

Фақат Венгрия компаниялари учун мўлжалланган алоҳида саноат зонасини яратиш ва уни барча зарур ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминлаш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбарининг фикрича, бўлажак қўшма лойиҳалар ҳамда уларнинг доирасида венгриялик шерикларнинг илмий ишланмалари, конструкторлик инновациялари ва технологиялари ўзлаштирилиши катта синергетик самара беради.

Президент Шавкат Мирзиёев Венгрия делегациясининг ҳар бир аъзоси билан алоҳида мулоқот қилди. Аниқ қўшма лойиҳаларни амалга ошириш режалари ҳақида батафсил фикр алмашилди. Ўзбекистон томони Венгрия ишбилармонларига уларнинг инвестиция режаларини рўйбга чиқаришда тўлиқ кўмаклашишга тайёрлиги қайд этилди.

– Ҳар бир тадбиркорни мамлакатимизга келиб, бугунги кунда инвестициялар учун энг яхши жой Ўзбекистон эканлигига ҳамсан ишонч ҳосил қилишга таклиф этаман, – деди Президентимиз.

Венгрия ишбилармон доиралари вакиллари, ўз навбатида, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга юксак баҳо берди ҳамда мамлакатимиз бозорига чиқиш, истиқболли

кўмаклашиш топширилди.

Будапештдаги "Кармелита" саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан тор доирада икки томонлама музокара ўтказдилар.

Суҳбатда Ўзбекистон – Венгрия стратегик шериклигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти дўст Венгрия етакчисига ташриф давомида кўрсатилган самимий қабул ва илиқ меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик жадал ривожланиб, изчил мустаҳкамланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этди. Виктор Орбаннинг 2021 йил мартда юртимизларга расмий ташрифи якунида эришилган келишувлар Ўзбекистон – Венгрия муносабатларида янги саҳифа очгани ҳамда икки томонлама ҳамкорликни янада юқори бошқича кўтаргани алоҳида таъкидланди.

Турли даражалардаги мулоқотлар фаоллашди, самарали сиёсий ва парламентларо ҳамкорлик йўлга қўйилди, савдо-иқтисодий ҳамда инвестиция соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда, маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда.

Музокараларда қўшма инвестиция лойиҳаларини саноат кооперацияси орқали амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу маънода икки мамлакат иқтисодиёти бир-бирини тўлдириб туриши, ривожланиш стратегиялари диверсификация ва индустриаллашувга қаратилгани билан бир-бирига ўхшашлиги қайд этилди.

Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ошгани, уни



Конституциямизнинг 261-моддасига жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунга белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўрилуши, шунингдек, афв этиш ёки жазони юмшатиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга деган янги норма киритилиши тақлиф этилаётми.

ИСЛОҲОТ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЮРТДОШЛАРИМИЗДАН КЕЛИБ ТУШГАН ТАКЛИФЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Айни кунларда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси давомида аҳолидан келиб тушган тақлифлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси масъул кўмиталари томонидан умумлаштирилиб, ушбу қонун лойиҳаси маромига етказилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, бу жараёнда Конституциявий қонун лойиҳасининг матни лўнда, аниқ, оддий ва раво тилда бўлиши, нормаларни турлича изоҳлашни истисно этадиган тарзда, юридик атамашуносликка риоя қилинган ҳолда баён этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унинг матни Вазирлар Маҳкамасининг Норматив атамалар комиссияси аъзолари, таниқли олимлар, тилшунос ва адабиётшунослар томонидан бир неча бор экспертизадан ўтказилди, бу масалада соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирокида жамоатчилик маслаҳатлашувлари ҳам бўлиб ўтди. Мазкур жараёнда Конституциявий қонун лойиҳасига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, Конституциямизнинг 261-моддасига жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунга белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўрилуши, шунингдек афв этиш ёки жазони юмшатиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга деган янги норма киритилиши тақлиф этилаётми.

Хўш, ушбу қонундан Конституцияда акс эттириш нима учун долзарб? Илгари бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти йўқмиди? деган савол туғилиши табиий. Албатта, бор эди. Яъни, судланувчи, унинг ҳимоячиси,

лияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратди. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари қонунга белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади.

Бу ўзгариш, шубҳасиз, жамиятимизда фуқароларнинг экологик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, аниқсиз, мансабдор шахсларнинг табиат ҳимояси учун масъулиятини кескин ошириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, Конституциямизнинг янги — 412-моддасида ўқитувчиларнинг обрўсини ошириш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган — Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади, давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади деган нормалар киритилиши назарда тутилмоқда.

Бу ўз навбатида, ўқитувчи мақомини Конституция даражасида белгилаш, унинг касбий фаолияти дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида бўлиши педагог кадрлар салоҳиятини юксалтириш билан бирга мамлакатимиз таълим тизимининг ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Шу билан бирга, Конституциявий қонун лойиҳасининг 56-моддасига киритилиши тақлиф этилаётган яна бир ўзгартиш билан жамоат бирлашмаларининг аниқ таснифи ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат дастурларини ишлаб чиқишдаги иштироки ҳақида сўз бормоқда. Хусусан, ушбу моддага фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади, деган норма қўшилиши тақлиф этилмоқда.

Мазкур норма давлат фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ва ижтимоий шериклик дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда улар иштирокини таъминлайди.

Маълумки, мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий ва сиёсий ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда барча идора ва ташкилотлар масъулиятини кучайтириш бўйича кўп қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари

қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий комиссия аъзолари билан ўтказган учрашувида ҳам бу борадаги ислохотлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ нормалар Бош қўшунимизда ҳам акс эттирилиши лозимлиги қайд этилган эди.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасига ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг конституциявий қафолатларини мустаҳкамловчи бутунлай янги норма киритилмоқда. Хусусан, 65-моддага ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши ҳамда уларнинг жамият, давлат ҳаётидаги фаол иштирокини рағбатлантириш давлатнинг муҳим вазифаси эканлигини белгиловчи нормани киритиш тақлиф этилаётми.

Шунингдек, мазкур моддага давлат ёшларнинг маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлигини сақлашга, уй-жойга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши лозимлиги билан боғлиқ норма қўшилиши қўтилмоқда.

Бундан ташқари, суд-ҳуқуқ тизимини инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айлантириш борасидаги ўзига хос ютуқ ва натижалар, шунингдек, фуқаролардан келиб тушган кўп қатор тақлифлар асосида

Конституцияда «Адвокатура» номи билан аталувчи янги боб (XXII-боб) шакллантирилди. Унда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокатура тизимини кучайтиришга хизмат қилувчи бир қатор модда ва нормалар ўрин олган.

Хусусан, 116-моддага жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолият кўрсатади, қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилади, адвокатура фаолияти қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланади, адвокатура фаолиятини ташкил этиш ва унинг тартиби қонун билан белгиланади деган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда.

116-моддага эса қуйидагича норма киритилиши назарда тутилмоқда: адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди. Адвокатга ўз ҳимоясидаги шахс билан тўсиқларсиз ва холи учрашиш, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар таъминланади. Адвокат ва унинг касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлади. Адвокатнинг касбий ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қиммати қонун билан муҳофаза қилинади.

Таъкидлаш жоиз, кейинги йилларда ҳар қандай соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг ижросини назорат қилишда, эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда камчиликларни очиқ-ойдин

айта олишда жамоатчилик, шу жумладан оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли ортиб бормоқда. Такомиллаштирилаётган Бош қўшунимизда оммавий ахборот воситалари вакиллари ва уларнинг фаолияти эркинлигини қафолатлаш борасида ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши белгиланмоқда.

Хусусан, Конституциямизнинг 67-моддасига қуйидаги янги нормаларни қўшимча тарзда киритиш кўзда тутилмоқда:

Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ахборотдан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини қафолатлади.

Оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг фаолиятига тўсиқлик қилиш ёки аралашши қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Оммавий ахборот воситалари ўзлари тақдим этадиган ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгардир.

Бир сўз билан айтганда, Конституциявий комиссияга келиб тушган тақлифлар асосида маромига етказилиб, такомиллаштирилаётган Конституциявий қонун лойиҳаси халқимиз манфаати ҳамда юртимиз тараққиётига хизмат қиладиган ҳужжатга айланмоқда.

Одилжон ТОҶИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,
Конституциявий комиссия матбуот котиби

Кейинги йилларда ҳар қандай соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг ижросини назорат қилишда, эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда камчиликларни очиқ-ойдин айта олишда жамоатчилик, шу жумладан оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли ортиб бормоқда.

қонуний вакили ёки жабранувчига биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан апелляция тартибда шикоят бериш ёки протест билдириш имкониятини тақдим этувчи норма миллий қонунчилигимизда мавжуд эди. Аммо ушбу инсонларвар таъминининг Конституциямизда акс эттирилиши келгусида бу қонуннинг тўғридан-тўғри ишлаганига, яъни фуқароларимиз манфаатини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Яна бир муҳим янгилик. Кейинги йилларда нафақат республикамиз аҳолиси, балки бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган экологик мувозанатни сақлаш масаласида ўзига хос ечим бўладиган яна бир янги норма Конституциявий қонун лойиҳасидан ўрин олиши қўтилмоқда. Лойиҳанинг 401-моддаси шаклида киритилган мазкур моддада қуйидаги нормалар ўрин олган: давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, афв-муҳитга хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг зарарли таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фао-

✓ Таълим

ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ЭЪТИБОР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАДИ

Фарғона вилоятида маҳаллий бюджетнинг орттирилган маблағлари ҳисобидан мактаб таълимни ривожлантириш учун жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 100,95 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан Маҳаллий бюджетнинг орттирилган маблағлари ҳисобидан мактаб таълимни ривожлантириш учун қилинган харажатлар бўйича ҳисобот эълон қилинди.

Молия вазирлиги маълумотларига таяниб эълон қилинган ушбу ҳисобот вилоятлар маҳаллий бюджетнинг орттирилган маблағлари ҳисобидан қилинган харажатларни қўшмасдан, фақатгина туман ва шаҳарлар миқёсидаги харажатларни вилоятдаги умумий ўқувчи сонига бўлиш орқали ҳисобланган. Келтирилган маълумотда 2021

йил якуни бўйича харажатлар миқдори кўрсатилган.

Ўқувчи сонини жиҳатидан Республикада энг олд ўринлардан бирида турадиган Фарғона вилоятида туман ва шаҳарлар миқёсида мактаб таълимни ривожлантириш учун қилинган харажатлар вилоятдаги жами ўқувчилар сонига бўлинганда бир ўқувчига 5,6 миң сўми ташкил этган. Лекин бу ўринда туман ва шаҳарлар миқёсидаги харажатларни эълон қилишда вилоятлар миқёсида қилинган харажатларни келтириб ўтилмагани бироз таажжубга солади. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати бунга ўз муносабатини билдирди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимизда умумтаълим мактаблари тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар доирасида Фарғона вилоятида ҳам бу соҳага алоҳида эътибор қаратилган. Вилоят маҳаллий

бюджетининг орттирилган маблағлари ҳисобидан мактаб таълимни ривожлантириш учун ўтган 2021 йилда 86,16 миллиард сўм, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 100,95 миллиард сўм маблағ сарфланди. Ўқувчи сонига бўладиган бўлса, вилоят маҳаллий бюджетининг орттирилган маблағлари ҳисобидан бир ўқувчига ўртача 2021 йилда 128,2 миң сўм (жами 671 миң 909 нафар), жорий йилнинг тўққиз ойида 151,1 миң сўм (жами 675 миң 76 нафар) сарфланган. Туман ва шаҳарлар миқёсидаги харажатларни қўшганда бу рақам янада ортади.

Фарғона вилоятида халқ таълими соҳасини қўллаб-қувватлаш, мактабларнинг моддий-техник базасини яхшилаш учун вилоят ҳокимлиги томонидан олиб борилаётган амалий ишлар келгусида янада кенгроқ қўламда давом эттирилади.

Ў.А.



Кейинги пайтларда ОАВ, аниқсиз, ижтимоий тармоқларда «СССРда нон 20 тиин, гугурт бир тиин эди» мазмундаги хабарлар изчил тарқатилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ҳа, чиндан ҳам арзончилик борасида собиқ иттифоққа тенг келадиган давлат йўқ эди дунёда: аммо бир қўти гугурт, бир бурда нон қатори одамлар ҳам, одамлар тақдири ҳам тийинлар билан ўлчанар эди. Пахтамиз ҳам шунчалар арзон эдики, ҳатто ушбу ноёб экин тури арзон саналган остоналаргача экиларди... Гўдак болаларимиз, мактаб ўқувчиларию, кенса отахон- онахонларимиз соғлиғи ҳам бир чақага тенг эди. Улар устидан энг арзон кимёвий дорилар сепилса ҳам арзончиликку, дея ўзимизга таскин берардик. Аммо миллатимиз бу «арзончилик»ларгача бундан ҳам арзон ҳаётни кўрганди. Бир воқеликни эсга олайлик: 4 октябрь Ўзбекистон халқи учун энг қонли кунлардан бири бўлган эди. 1938 йилнинг 4 октябрида СССР Олий суди ҳарбий коллегияси томонидан ўзбекистонлик 507 сиёсий маҳбусга нисбатан чиқарилган отув ҳукми ижро этилган. Улар орасида миллатимизнинг виждони бўлмиш Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон ва Абдурауф Фитрат сингари оловқалблар, фидойилар бор эди. Қанчалар оғир бўлмасин шунини айтиш керакки, бу ўшандай арзон давлатнинг бизга туҳфа этган энг «арзон» яхшилиги эди...

РАДДИЯГА
РАДДИЯ

"Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Milliy tiklanish" ижтимоий-сиёсий газетаси муҳбири Абдуғаффор Омонбоев имзоси билан эълон қилинган "1294-сонли антиқа қарор ёҳуд Сўх тумани ҳоқими Фарғона вилояти етакчиси Хайрулла Бозоровнинг топшириғини ҳам инкор этаётганини қандай тушуниш мумкин?" сарлавҳали мақоласига Сўх тумани ҳоқимлиғининг РАСМИЙ МУНОСАБАТИ

ЖУРНАЛИСТ ЭШИТГАНИНИ ЭМАС, КЎРГАНИНИ ЁЗИШИ КЕРАК

"Milliy tiklanish" газетасининг шу йил 27 июль кунги 27-сониди эълон қилинган мазкур мақолада Сўх туманида бўлаётган ўзгаришлар ёритилиши баробарида туманининг Янгиарик маҳалласида яшовчи фуқаро Ҳамдамжон Мухторовнинг тилидан ёзиб олинган ваъдалар бир томонлама таҳлил қилинган.

Мақолада бевосита Сўх туманида тадбиркорларнинг ҳақ-хуқуқлари поймол бўлаётгани қайд этилган. Президентимизнинг алоҳида қарори билан Сўх туманида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилаётган, қатор ижтимоий ва ишлаб чиқариш объектлари қурилаётган, тадбиркорлик ва бизнес субъектлари учун қатта имкониятлар яратилаётган, аҳолини банд қилиш, қишлоқ хўжалиғи соҳасини янада тақомиллаштириш каби қатор ижобий ўзгаришлар бўлаётган бир паллада ҳолатни объектив ва холис ўрганмай туриб эълон қилинган мақола бизни ажаблантирди, албатта.

Мақолада келтирилган биринчи ҳолат — Сўх тумани деҳқон бозори ҳудудидан фуқаро Ҳамдамжон Мухторова мазкур бозор бошқаруви йиғилишининг 2-сонли қарорига асосан савдо дўқони қурилиши учун ер майдони ажратиб берилган ва фуқаро томонидан олинган 125 квадрат метр ер майдонига қурилган иншоот Сўх тумани ҳоқими Ф.Усаровнинг 2019 йил 15 июндаги 1294-сонли қарори билан бузиб ташланганлиги ва бунинг учун тадбиркорга компенсация пули берилмаганлиги қайд этиб ўтилган.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу ҳолат туман ҳоқимлиғининг мутасадди ходимлари томонидан ўрганилган ва бу буйича туман молция бўлими томонидан 2019 йил 17 октябрь кун Фарғона вилояти прокурори У.Б.Қосимовга 317-сонли, Сўх тумани ҳоқимининг биринчи ўринбосари М.Шарипов номидан Фарғона вилояти ҳоқимининг биринчи ўринбосари Қ.Тошпўлатовга 2019 йил 16 декабрь кунги 607/2-сонли алоқа хатлари асосида тулиқ маълумотлар берилган.

Вилоят прокурори ва вилоят ҳоқимининг биринчи ўринбосари номига чиқарилган алоқа хатларига асосан фуқаро Ҳамдамжон Мухторовага туман «Деҳқон бозори» МЧЖ маъмурияти томонидан тузилган шартнома туман ҳоқимининг розилиғисиз, ўзбошимчалик билан тузилганлиги, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 212-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.05.2006 йилдаги 97-сонли қарорининг 1-боб, 6-бандида кўрсатилгандек «Ўзбошимчалик билан барпо этилган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморат-иншоотлар қиймати тўланмаслиғи» тушунтирилган.

Мақолада яна бир ҳолат — фуқаро Дилшоджон Мухторов, яъни Ҳамдамжон Мухторовнинг ўғлига туманининг Навобод маҳалласи Малбўд массивининг 12-контурдан миҳ ва шуруп ишлаб чиқариш учун 30 сотиҳ ер майдони ажратилиши ва ушбу ер майдонини ажратиб бериш ва сотиб олиниши учун ташкил этилиши кўзда тутилган очиқ аукцион савдолари пайсалга солиб келинмаётгани кўрсатилган.

Ушбу масала ҳам ҳоқимликнинг мутасадди вакиллари томонидан ўрганилган ва ўрганиш натижасида мазкур 12-контур ҳудудидан юқори босимли газ қуғури ўтганлиғи боис, қурилиш ишларини амалга ошириш рад этилган. Бунга Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлигининг қурилиш меъёрлари ва қоидаларининг 2.05.06.97ни 4-жадвал, 1-банди (юқори босимли маэистрал газ қувурларининг муҳофаза майдони 100 метр) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 585-сонли («Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида») қарори ҳам асос бўла олади.

Мақолада Сўх туманида Президентимизнинг 2020 йил 8 августдаги 4798-сонли «2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида янги савдо мажмуа — «Сўх савдо комплекси» қурилганлиги, бироқ 4 (!) йилдан бери ушбу комплекс фойдаланишга топширилмаётганлиги ҳам қайд этилган.

Бу буйича Сўх тумани ҳоқимининг 2022 йил 13 январь кунги «Ровон маҳалла фуқаролар йиғини Соёко массивидаги янги қурилаётган буюм бозорини қисман (1-қисми) фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида»ги 9-11-159Қ/22-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарорига «Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори 2-бобининг 7-бўлимида кўрсатиб ўтилган «Бозор фаолиятини ташкил этиш бозор ташкил этиш учун ажратилган ер участкасини ижарага олувчи юридик шахс томонидан таъминланади. Кўрсатиб ўтилган юридик шахс акциядорлик жамияти шаклида ёки масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади, унинг маюссисларидан битмаси мажбурий тартибда устас фондидидаги улуши қамиди 51 фоиз бўлган маҳаллий давлат ҳоқимияти органи бўлиши керак», эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, вилоят ҳоқимининг 2021 йил 16 апрель кунги 172-Ф сонли фармойишига асосан «Сўх савдо комплекси» муҳандислик коммуналхизмати инфратузилмасини яхшилаш мақсадида ҳудудни асфальтлаштириш ҳамда электр тармоғи тортиш ва трансформатор ўрнатиш билан боғлиқ харажатларга вилоят маҳаллий бюджетининг 2021 йил 1-чорак даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 1 100 000 000 (бир миллиард бир юз миллион) сўм маблағ ажратиб берилган.

Ҳозирги кунда «Сўх савдо комплекси» савдо дўқонларининг кул қисмида электр тармоғи уланмаганлиги, бозор ҳудудида канализация мажбур эмаслиги, ўт ўчириш кўнғироқлари ўрнатилмаганлиги аниқланган.

Буюм бозори, яъни «Сўх савдо комплекси»га тумандаги тадбиркорларни жалб этиш мақсадида тегишли идоралар вакиллари таркибиди ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, тағрибот ва тушунтириш ишлари олиб борилиб, ҳар бир тадбиркорга алоқа хатлари берилган бўлсада, тадбиркорлар томонидан бозорда савдо бўлмаётганлиги, харидорлар бормаслигини рўқча қилиб, яъни бу мажмуа фаолиятидан фойда йўқлигини баҳона қилиб, ўзлари бозорда савдо-сотиқ жараёнини йўлга қўйиш учун бирон ташаббус ва кўрсатишмаяпти. Лекин мажмуанинг бир қисмида бозорни юретиш учун тадбиркорларга туман ҳоқимлиғи томонидан барча шароитлар яратиб берилган.

Айни кунда мажмуанинг қолган қисмида таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Халқ манфаатдор бўлса, фуқароларимиз пешона тери билан қилган меҳнатлари тўғрисида даромад манбага эга бўлса, давлат ҳам манфаатдор бўлади. Бироқ ўз манфаати йўлида фуқароларимизни буғунги сивасат ва давлатчиликсимизга тескари қилиб кўрсатаётган кимсалар ҳам орамизда афсуски, йўқ эмас.

Биз — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳар доим қонун устувор эканлигини ёдда тутишимиз, давлатимиз қонунлари бизнинг манфаатимизга хизмат қилишини асло унутмаслигимиз лозим. Қонунга хилоф равишда қилинган ҳар бир амал ё харақатга, албатта, қонуний баҳо берилади. Бирон алоҳида шахсининг манфаатига қонуний суиистеъмол қилган ҳолда интилиш ёки харақат қилишининг ўзи қонунбузарлик ҳисобланади.

Мақолада келтирилган ҳар бир факт ёҳуд воқеликни алоҳида шахс нуқтаи назаридан келиб чиқиб «таҳлил» этиш, берилган материални обдон ўрганмасдан уни эълон қилиш журналист одоби — профессионал этикага тўғри келмайди. Ҳар икки томонни эшитиб, адолат билан хулоса қилиб, муаммо холисона ёритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бизнингча, журналист эшитганини эмас, кўрганини ёзиши керак. Мана шу холис ва тўғри ахборот бўлади. Шунинг учун муҳбир Абдуғаффор Омонбоевни Сўх туманига тақлиф қиламиз. Бу ерда олиб борилаётган ишлар, тадбиркорларга муносабат, аҳолини рози қилиш йўлида олиб борилаётган ишларни ўз кўзи билан кўриб, холис фикрини газетмага берсин.

Сўх тумани ҳоқимлиғи Ахборот хизмати

РАСМИЙ МУНОСАБАТГА
РАСМИЙ МУНОСАБАТ

Газетамизнинг 27 июль сониди «1294-сонли антиқа қарор ёҳуд Сўх тумани ҳоқими Фарғона вилояти етакчиси Хайрулла Бозоровнинг топшириғини ҳам инкор этаётганини қандай тушуниш мумкин?» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Орадан уч кун ўтибоқ туман ҳоқимлиғи ушбу мақола юзасидан ўз муносабатини билдирди. Нима бўлганда ҳам бундай тезкор муносабат учун Сўх тумани ҳоқимлиғи раҳбарларига минг бора ташаккур айтгимиз келди... Чунки айрим мутасаддилар газета ўқимаслиғи билан мақтанайтган бир пайтда бундай тезкорлик Сўх туманида ҳали матбуотга эътибор сақланган қолаётганидан далолат беради, албатта.

Энди муддаога ўтсак: туман ҳоқими С.Сайидмусаев имзоси билан тасдиқланган раддия бошида Президентимизнинг алоҳида қарори билан Сўх туманида олиб борилаётган ишлар ўзгача гурур билан эътироф этилгани, муҳбирнинг эса мажбур ҳолатни объектив ва холис ўрганмай мақола ёзгани баён қилинади. Дарҳақиқат, бугун Сўх туманида жуда катта ўзгаришлар юз бераётганини тан олмаслик мумкин эмас. Зеро, Президентимизнинг 2020 йил 8 августдаги «2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4798 сонли қароридан кейин водийнинг энг чекка ҳудуди саналган Сўхда қоғозда эмас, амалдаги ўзгаришларга киришилди. Янгидан-янги лойиҳалар амалга оширилиб, замонавий турар жойлар қурила бошланди, тадбиркорларга эса кенг имконият ва имтиёзлар яратилди.

Ёши етмишдан ошган отахон — Ҳамдам Мухторов ҳам оддий бир тадбиркор сифатида Президентимизнинг ҳаётбахш ғояларидан руҳланиб, тадбиркорлик-қиламан дея енг шимарди. Яъни, у «олма пишишини» кутиб ўтирмасдан шижоат билан ишга киришди. Бироқ кўп ўтмай...

Ҳоқимлик раддиясида тадбиркор Ҳамдам Мухторов томонидан 125 квадрат метр ер майдонига қурилган иншоотнинг бузилишига сабаб қилиб ушбу бино туман ҳоқимининг розилиғисиз қурилган, шунинг учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 212-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли қарорининг 1 боб 6-бандига асосан ўзбошимчалик билан қурилган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иншоотларнинг қиймати тўланмаслиғи баён этилган.

Шу ўринда бир савол туғилади: замон ўзгараётган бўлса, нега унда Сўхда эскирган тартиб-тамоийлар рўқча қилиниб, бир тадбиркорнинг миллионлаб маблағ сарфлаб тиклана иморати бузиб ташланди?! Ушбу иморат бир кунда эмас, ойлар давомида захмат чекиб тиклангани-ку! Демокчи бўлганимиз, ана шу бино қурилаётганлигини наҳотки туманидаги бирон бир мутасадди си бехосдан бўлса-да кўриб қолиб, тадбиркорни ноқонуний қурилиш қилаётгани ҳақида огоҳлантирмаган, тадбиркор бозор ҳудудиди бирор бир хужжат ёки асосиз катта бино қургунича туман раҳбарлари бундан қўришмаган бўлса? Умуман олганда, бозор ҳудудига бадбўй хид таратиб турган бир чиндиҳона тадбиркор ташаббуси-ю маблағи ҳисобига обод бўлгани, бу жойда барпо этилган ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилиши натижасида режага биноан 20 нафардан зиёд иш ўрни ташкил топиши бугунги ислоҳотларга ҳамоҳанг харақат эмасиди? Наҳотки ўша даврдаги туман ҳоқими

Фаррух Ўсаров 20 та иш ўрни яратишга бел боғлаган тадбиркорнинг меҳнатини ер билан яқсон қилмай, аксинча қўллаб-қувватлашинг бирор иложини тополмаган бўлса...

Саволлар бисёр, жавоб эса мутасаддиларда қоляпти.

Яна бир гап, тадбиркор Ҳамдам Мухторовнинг ўгли Дилшод Мухторов ҳам туманининг Навобод маҳалласи Малбўд массивидаги 12-контурда миҳ ва шуруп ишлаб чиқариш цехи ва мева-сабзавотларни сақлаш учун музлаткич омборини қуриш учун ер ажратишда амалий ёрдам сўраб туман ҳоқимига мурожаат қилган. Шундан сўнг Фарғона вилояти Сўх тумани кадастр агентлиғи бўлими томонидан Д.Мухторовга ер ажратиш тўғрисидаги хужжатлар йиғма жиҳди ҳам шакллантирилган. Ҳатто 2020 йилнинг 21 октябрида туман ҳоқимлиғи ҳузуридаги Ер ишлари масалаларини кўриб чиқувчи комиссия томонидан далолатнома тузилиб, унга ушбу комиссиянинг 13 нафар аъзоси ҳам имзо чеккан. Ҳоқимлик раддиясида эса далолатномада кўрсатилган 12-контур ҳудудидан юқори босимдаги газ қуғури ўтганлиғи боис қурилиш ишлари амалга оширилиши рад этилганлиги, қолаверса, бунга Президентининг 585-сонли «Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиши ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асос қилиб кўрсатилган. Ҳўш, нега унда ер ажратиш далолатномасига туман газлаштириш идораси раҳбари К.Ғойибназаров имзо чеккан? Шу бинго тегишли кадастр хужжатлари йиғма жиҳдида имзолари турган

13 нафар мутасадди бундан беҳабармиди? Нега аввал бошидан, яъни тадбиркор 450 млн. сўм микдорида маблағ сарфлагунга қадар бу ҳудуд қурилиш учун тақиқланган ҳудуд эканлиғидан огоҳлантирилмади? Ачинарлиси, бугун айнан тадбиркор хонавайрон бўлиш арафасида-ю, бу хатога йўл қўйган мутасаддилар ҳеч бир жазосиз қоляпти.

Шу ўринда далолатномага имзо қўйган мутасаддилар қаториди туманининг Бош архитектори А.Зокиров ҳам борлигини, айнан А.Зокиров туман архитектори сифатида ҳудуддаги қайси ер қурилиш талабларига мос келади-ю, қайси жой мос келмаслигини яхши билиши кераклигини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, Президентининг 2021 йил 4-5 февраль кунлари Фарғонага ташрифи чоғида қабул қилинган 7-сонли йиғилиш баённомасига биноан Сўх туманида 2021-2022 йилларда ҳудудий инвестиция дастурига асосан 70 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Д.Мухторовга тегишли лойиҳа ҳам ана шу лойиҳалар қаторидан жой олганди. Ҳўш, шундай экан, қабул қилинган дастурига мувофиқ Д.Мухторовга Малбўд массивида ер ажратилиши лозим бўлган ерда 450 млн. сўмлик қурилиш ишлари олиб борилган ва жараён бирдан тўхтатилиб, ҳоқимлик мутасаддилари, аниқроғи, туман кадастр бўлими раҳбари Р.Нозиров томонидан тадбиркорга «бу ер аукционга қўйилгангина сотиб олиб, фойдаланишингиз мумкин», деган жавоб берилган. Яна бир гап: эътибор беринг, бу ҳудудда қуқури ўтганлиғи боис умуман қурилиш ишлари олиб бериш мумкин эмас-у, лекин тадбиркор қўлида 13 та масъул идора хо-

димлари имзо чеккан далолатнома бор. Бу биринчидан, иккинчидан эса фаолият олиб бориш учун хавфли саналган ҳудуд ва Д.Мухторов томонидан қурилган бино аукционга қўйилиши мумкин бўлса...

...Ғалати туюлмаепти-ми, масалага бу қадар «нозик» ёндашув: энг ёмони, умумий қиймати 940 млн. сўм бўлган, мутасаддилар ҳеч бир дастурига киритилган 70 та лойиҳанинг бири айни кунларда барбо бўлиш арафасида турганлиғидан, мутасаддилар «йўқни бор» қилишга эмас, «борни йўқ» қилишга уринишга ётганидан очиги, тааж-жубландак.

Туман ҳоқимлиғи томонидан тақдим этилган раддия чоп этишга тайёрланаётган паллада 75 нафар сўхлик тадбиркор томонидан имзоланиб республика Президентини ва Бош вазирга йўлланган ариза нусхаси қўлимизга тушилиб қолди. Унда туман марказидаги қўчалар чеккасида ёйма тартибда савдо қилаётган барча сотувчи-ю харидорларни янги ташкил этилган Сўх савдо комплексига биврақайига жалб қилиш учун туман ҳоқимлиғи мутасаддиларидан бир неча бор амалий кўмак сўралса-да, ушбу мурожаатлар натижасиз қолиб кетаётганлиги, масъуллар эса бу борада сусткашликка, боқибегамликка йўл қўйиб келаётганлиги баён этилган.

Ҳоқимликнинг тахририятга йўллаган раддиясида эса барча тадбиркорларга бозор ҳудудиди фаолият олиб бориш ҳақида алоқа хатлари жўнатилган бўлса-да, янги савдо комплексига тадбиркорлар турли баҳоналар билан бормаётганлиги қайд этилганди...

Наҳотки, туман ҳоқимлиғи вакилларига барча тадбиркорларни бир жойга йиғиб, юзма-



1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

«SURXONDARYO HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI» ЖАМОАСИ

*Барча устозларни 1
октябрь – Ўқитувчи ва
мураббийлар куни билан
муборакбод этади.*

*Машаққатли ва шарафли
касбингиз ривожда
омадлар тилаб, ҳамиша
оилангиз ва яқинларингиз
ҳамда шогирдларингиз
бахтига соғ ва саломат
бўлишингизни Яратгандан
сўраб қолади.*

*Сизнинг юксак билимингиз
ва салоҳиятингиз олдида
кун-у тун таъзимдамиз,
азиз устозлар!*

юз мулоқотда бўлиб, уларга янги савдо комплексида савдо қилишнинг самарали ва афзал жиҳатлари ҳақида тушунтириш олиб бориш шу даражада мушкул иш бўлса... Сўх тумани ҳокими С.Сайидмусаевнинг жорий йилнинг 30 июлида таҳририятга йўллаган 277/1-сонли хатида «Мақолада сўхлик тадбиркор тилидан ёзилган важлар бир томонлама таҳлил қилиниб, асосли эканлигига ишонч ҳосил қилмай туриб, газетада эълон қилинган. Мақолада «Сўх тумани ҳокимига кўйилган айбловлар тўхматдан иборат бўлиб, шахсиятни камситишдан бошқа нарса эмас» каби жумлалар ҳам учрайди.

Майли, раддияда такрор ва такрор қайд этилганидек, биз кўрганларимизни эмас бир жабрдийданинг мурожаати ва унинг қўлидаги бир уюм хат-хужжатни кўздан кечириб ёзган ҳам бўлиб чиқайлик. Лекин унда нега ҳоким сўхлик тадбиркорнинг арзоддини вақтида эшитиб, унинг важларини ўзи ис-таганидек, ҳар томонлама таҳлил қилмади?! Балки тадбиркорга ўз вақтида амалий, жиллақурса ҳуқуқий ёрдам берилганида етмиш ёшдан ошган отахон адolat излаб сарсон-саргардон бўлиб юрмасмиди?

Дарвоқе, яқинда Сўх туманида бўлиб, у ерда олиб борилаётган барча жабҳадаги бунёдкорлик ишларини ўз кўзимиз билан кўриб, бунга амин бўлдик. Сўхликлар билан суҳбатлашдик. Улар билан мулоқотдан сўнг очиги кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган ишлар, ўзгаришлар ва яратилган имкониятлардан мамнулик ва миннатдорлик ҳисси, эртанги кунга ишонч туйғусини оддий одамларнинг юз-кўзларида кўрдик. Хизмат сафари чоғида туман ҳокими С.Сайидмусаев билан ҳам учрашиб мақолада келтирилган ҳолатлар бўйича унинг фикрларини ҳам эшитдик. Ўз навбатида, С.Сайидмусаев агар танқид ҳаққоний ва дўстона тарзда бўлса, бунга ўзи ҳам хайрихоҳ эканлигини айтиб, туманда олиб борилаётган ишлар, умуман, тадбиркорлар ҳимояси, уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ҳаракатлар хусусида батафсил сўзлаб берди. Бизни қувонтиргани С.Сайидмусаев янги Сўх савдо комплекси тез кунларда ишга туширилишини маълум қилиб, тадбиркорларнинг бу борадаги муаммолари буткул барҳам топажанини таъкидлади. Ҳамдам ва Дилшод Мухторовлар муаммолари хусусида сўз очганимизда эса туман ҳокими бош чайқаб бинолар рухсатсиз қурилгани, бунинг устига улардан бири қурилган ҳудуддан газ қувири ўтганлиги боис улар барибир бузилишини қатъий таъкидлади. Яна бир гап, сафаримиз чоғида Ҳамдам Мухторов билан яна бир бор суҳбатлашдик. У бироз аламаздалик билан бозор ҳудудида қурилган бинони буздиргани учун туманининг собиқ ҳокими Фаррух Усаров, унинг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари Содиқ Мирзаевлар тегишли тартибда жавоб беришлари ва кўрилган зарарни ўз шахсий маблағлари ҳисобидан бўлса-да,


қоплаб бериши лозимлигини айтиб ўтди.

Мана, орадан қарийб икки ой ўтди. Биз туман ҳокими С.Сайидмусаев билан мулоқотимиз чоғида у киши Х.Мухторов томонидан кўтарилаётган муаммоларга тез орада ҳуқуқий баҳо берилиб, уларга вақтида қонуний ечим топилишини маълум қилган эди. Бироқ юқорида тадбиркорнинг хабар қилишича вазият ҳали ҳам ўзгаргани йўқ. Наҳотки С.Сайидмусаевдек тажрибали туман раҳбарига бир тадбиркорга амалий ёрдам бериш шунчалик мушкул иш бўлса... Шу ерда тадбиркорнинг таҳририятга иккинчи бора йўллаган шикоятномасидан қисқача кўчирма келтиришни лозим топдик.

«Энг ёмони қарийб 450 миллион сўм сарфлаб қурган иморатларимиз бузилиш арафасида турибди. Ахир тумanning ўша вақтдаги прокурори Ф.Абдувалиев туман кадрастр агентлиги бўлими бошлиғи Р.Нозировнинг 9-сонли хатига жавобан Д.Мухторовга ер ажратиш тўғрисидаги ҳужжатлар тўлиқ текшириб чиқилганлиги, шу боис унга ер ажратиш мумкинлиги тўғрисида ўзининг ижобий хулосасини берган эдик! Нима, прокурорнинг хулосаси ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмайдими? Ахир мен туман ер ажратиш комиссиясининг 13 нафар аъзоси имзо чеккан, прокурор томонидан берилган ижобий хулосага ишониб шу биноларни қургандим. Газетага йўллаган аввалги мурожаатимда яна бир муаммо хусусида баён этгандим. Ҳамма гап шундаки, 2018-2021 йилларда туманда янги Сўх савдо комплекси тадбиркорлар томонидан қарийб 18 миллиард сўм эвазига қуриб битказилди. Гапнинг очиги 141 нафар тадбиркор ўз маблағи ҳисобидан 280 дан ортиқ савдо дўконларини барпо этишди. Икки гектардан ошқ майдонни эгаллаган, барча қулайликларга эга бу савдо мажмуасига ҳатто вилоят раҳбари Хайрулла Бозоров ҳам хайрихоҳлик билдириб, вилоят бюджетидан 1,1 млрд сўм маблағни бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш учун ажратиб берди. Бугунги кунда ушбу маскан деярли ишга шай ҳолатда. Аммо бу ерга тадбиркорларни жалб этиш негадир пайсалга солинаптир. Яна бир оғриқли муаммо, тегишли ҳужжатларда савдо комплексининг умумий ер майдони 3 гектар деб кўрсатилган бўлса-да у 2,5 гектар майдонда барпо этилган. Қолган 0,5 гектар ер осмонга учдим, ерга кирдимиз ҳеч ким билмади. Хуллас, янги савдо комплексини ишга тушириш, бунинг учун тумандаги тадбиркорларни бу ерга жалб этилишида амалий ёрдам сўраб масъулларга бир неча бор мурожаат қилдик, бироқ ҳанузгача бирор натижага эриша олмадик».

Уйлаймизки, бундай, рад этиб бўлмас ҳақиқатни Сўх тумани ҳокими С.Сайидмусаев ҳам чуқурроқ англаб, шунга муносиб тарзда иш кўради. Зотан, водийда туғилиб, шу заминда улғайган водий фарзандига ватанпарварлик, элпарварлик ҳамда одамийлик каби фазилатлар жудаям ярашади.

**Абдуғаффор
ОМОНБОВ,
журналист**



БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!


Статистика

ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛИЯТ
ЮРИТАЎТГАН ПЕДАГОГЛАР
СОНИ ҚАНЧА?

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, таълим ташкилотларида жами 685,4 минг нафар педагог фаолият олиб бормоқда.

Шундан:

- ◆ Мактабгача таълим ташкилотларида – 116 минг нафар;
- ◆ Умумтаълим муассасаларида – 510 минг нафар;
- ◆ Академик лицейларида – 3,3 минг нафар;
- ◆ Касб-хунар мактабларида – 9,9 минг нафар;
- ◆ Коллежларида – 3,9 минг нафар;
- ◆ Техникумларида – 4,9 минг нафар;
- ◆ Олий таълим ташкилотларида – 37,4 минг нафарни ташкил этади.



Муаллимларга

Нечоғ бахтиёрман, таъзимда шу тоб,
Сизнинг шаънингизга битмоқдаман байт.
Не одам бўлардим, қўлимда китоб
Бирор ҳарф танимай турсайдим лоқайд.

Сиз-ку "Алифбо"дан "Қомус"гача то
Бари-барисини танитган устоз.
Илк бор Сиз кўрсатган дурахшон Зухро,
Бу кун шеърим ичра ташбихдир мумтоз.

Сиз мўъжаз юракда ёқолган ёғду,
Оқибат кўешдек соча олур нур.
Буюклар ҳаққига қасамд ёп бу:
Сиздан бошланади асли Тафаккур.

Оламда кўп эрур муборак онлар,
Табаррук зотлар ҳам гарчанд кўп эрур.
Сизгадир илк раҳмат азиз инсонлар,
Мунис муаллимлар сизга ташаккур!

ТУЙҒУЛАР

Дунё ишларига боқиб ҳайрон, лол,
Шогирд устозига берди-ку савол;
– Мудом ўтганларни ёд айлағаймиз,
Ёд айлаб, руҳларин шод айлағаймиз.

Деворларга осиб чўғирмасини,
Ўтказамиз етти, йигирмасини.
Сўнгра қирқи бўлар, йили бўлади,
Кетгандан қолганнинг кўнгли тўлади.

Чорлаб мамлакатни эҳсон ошига,
Байтлар ҳам битамиз қабр тошига,
Буларнинг барчаси савоб, албатта,
Тирик бандаларга ибратдир катта.

Инсонлик рутбаси нечоғ муҳташам,
Елкада элтамиз ҳаммасини ҳам.
Бироқ ечолмадим мен бир саволни,
Шарҳлай ололмадим сира бу ҳолни.

Инсонда жам бўлмиш не-не туйғулар,
Улар ҳам туйғулар, яшар ва ўлар.
Нечун туйғу ўлса очилмас аза,
Нечун ўқилмайди унга жаноза?

Марҳум бўлиб кетди чунончи виждон,
Кўз ёши тўкмади биронта инсон.
Кимдир ўқ узибди туриб панада,
Меҳр ҳалок бўлди Қўриқхонада.

Меҳрсиз қолса ҳам катта-кичик жим,
Гуё эшитмаган бу гапни ҳеч ким.
Бир ҳакам Инсофдан сўрабди пора,
Кўксига тиг урмиш Инсоф бечора.

Ҳаё ҳам осибди дорға ўзини,
Бироқ айтгани йўқ таскин сўзини.
Ҳеч ким парво қилмас бундай заволга,
Устоз, жавоб беринг ушбу саволга.

Қўзларини юмиб валилар каби
Устоз жавоб қилди қимтиниб лаби;
– Аза очилмайди ҳеч кимга агар
Тирикликдан бўлса заррача асар.

Сен бунча ваҳима қилма, болажон
Уларнинг кўплари ҳали чалажон.
Агарда бутунлай топсалар барҳам,
Бўлмасди уларни сўровчилар ҳам.

Бир куни бозорда кимдир Насриддин
афандининг елкасига бор кучи билан
тушириб қолибди. Насриддин орқасига
қарабди. Шунда нотаниш киши ўсал
бўлиб, узор сўрабди:
– Кечирасиз, мен сизни Тошмат дебман.
– Ҳечқиси йўқ, баъзан шунақаси ҳам
бўлади, – тўнғиллабди Афанди.
Насриддин кечкурун чойхонада Тош-
матни кўриб қолибди-ю, узоқ ўйлаб
ўтирмай, ёнига бориб боппаб мушт ту-
ширибди.
– Нима гап? – ҳайрон бўлибди Тошмат.
– Омонатингни ол, оғайни. Бозорда бир
дўстинг мендан бериб юборган эди, – жа-
воб берибди Афанди.
Менимча, таржимоннинг вазифаси
ҳам Насриддинникига ўхшаш – олинган
зарбани худди шундай зарб билан етказа
билиш.
Бунинг учун нима қилиш керак?
Таржима этилаётган асар тилини би-
лишми?
Албатта, асл нусха тилини билиш
таржимон учун катта шараф. Қани энди
шундай таржимонлар кўп бўлса... Афсу-
ски, ҳаёт бизнинг истакларимиз билан
ҳамма вақт ҳам ҳисоблашавермайди.
Бобил минорасини эса қандай бўлмасин
қуриш керак.

«Таржима санъати» 4-китоб

Ибрат

МЕН ЧИН ИСЛОМНИ ИНДОНЕЗИЯЛИКЛАРДАН ЎРГАНДИМ

Яхшилик бир инсон имкон доирасида ҳеч бир манфаатсиз, бировга чин дилдан кўмак беришидир, дея изоҳланади ҳикматларда. Энг муҳими, ҳар бир эзгулик ортида муҳтож инсонга таскин, тиргак бўлишдек хайрли амал яшириндир. Куйида ўқиганимиз бир ибратли ҳикоя эса сўзимизнинг яққол исботидир:

"2009 йил. Кореяда докторантурада ўқийман. Яқинда фарзандли бўлганман, кўшимча даромад керак. Индонезиялик Шамсуддин деган биродар «Анвар сен билан битта бизнес қилсак. Кореяда 50000 дан ортиқ индонезиялик бор, уларга смартфон сотсак. Мен пул тикаман, сен инглизча дастурлаб берасан. Фойда 50/50» деган таклифни билдирди. Рози бўлдим, иш бошладик. Тижорат яхши бўлаяпти. Орадан бир муддат ўтиб яна бир биродаримиз уйланди. Оила боқиш керак, менга келиб бизнесингизга шерик бўлсам бўладими, деб сўради. «Ҳам пулдан, ҳам дастурлашдан ёрдам қиламан. Индонезиялик шеринг билан бир гаплашиб кўр» деб илтимос қилди.

Бизнес ҳамкорим Шамсуддин билан уч-рашдим. Бироз ҳижолат бўлиб вазиятни тушунтирдим. «Яна бир шерик қўшсак, фойдани 1/3 тақсимласак нима дейсан» деб сўрадим.

Шамсуддин мулойим, самимий, ним табассум билан: «Алҳамдулиллаҳ, жуда зўр бўлади. Демак тижоратимиз янада ривожланиб, мижозларимиз кўпаяди. Аввал иккита оилани боқаётган бизнес энди учта оилани боқади. Улушимиз камаяди, лекин баракаси кўпаяди» деб жавоб берди. Ана шунда бизнинг ва уларнинг дунёқараши орасида қанчалик катта фарқ борлигини тушундим. Мана ҳақиқий тавҳид қандай рўёбга чиқади. Биз ҳаётга материалistik кўз билан қараб, ҳақиқий раззоқ Аллоҳ эканлигини унутиб қўйган эканмиз. Бу воқеадан кейин дунёқарашим буткул ўзгарди, мол-дунё орттиришга бутунлай бошқа кўз билан қарайдиган бўлдим. Исломининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ ўргана бошладим. Малайзияда қолиб ишлашга қарор қилишимда ҳам балки шу воқеа сабаб бўлгандир. Кўп жойларга

ишга кириш учун ариза топширдим, жа-вобини кутиб сиқилиб юрганимни кўрган Шамсуддин «Сен ўзингни қисмингни қилдинг, қолгани Аллоҳга таваккал. Агар Яратган ризқингни Малайзиядан ёзган бўлса ким ҳам тўғаноқ бўларди», деб далда берди.

Бироз вақт ўтиб Малайзиядан ижобий жавоб келди. Кетишга яқин қолганда Шамсуддин қизиқиб, нега айнан Малай-зия деб сўради. Мен: «Индонезияликларга ҳавасим келди, Малайзия ҳам шундай бўлса керак» дедим. У эса қулоғимга секин шипшиди: «Ҳеч кимга айтма, лекин улар биздан ҳам яхшироқ» деди.

Дарҳақиқат, инсон умри давомида унга диёнатли, иймон-инсофли биродару дўстларнинг йўлдош бўлиши Яратган уни сийлаганидандир. Номанбаул дўстлар ҳам унга берилган сабоқ, хулоса қилиб, яхшининг қадрига етиши учун берилганидир ибрат эканлигини барча ҳам бирдек тушунавермайди. Ҳар не бўлганда ҳам яхшиликнинг муқофоти, ёмонликнинг бир ҳисоби борлигини унутмайлик!

Анвар НАЗРУЛЛОХ

Фестивал

МАРҒИЛОН АТЛАСИ ТОВЛАНЯПТИ

Айни пайтда марғилонлик хунармандлар ва туризм соҳаси вакиллари «Атлас байрами» V Миллий матолар фестивалига тайёргарлик кўрмоқда.

Жорий йилнинг 20-22 октябрь кунлари ўтказилиши режалаштирилган мазкур фестивал ЮНЕСКО-нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Фарғона вилояти ва Марғилон шаҳар ҳокимлиги, «Хунарманд» уюшмаси ва бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилади. Ушбу тадбир, шубҳасиз, Марғилон ипакчилигининг довуруғини дунёга танитиш, хунар ва санъатга меҳри баланд инсонларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишига хизмат қилади.

– «Атлас байрами» фестивали миллий хунармандчиликни ривожлантириш, уни халқаро миқёсда тарғиб қилиш, уста хунармандлар билан тажриба алмашиш, мамлакатда туризмни ри-

вожлантириш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга хизмат қилади, – дейди фестивалга тайёргарлик ишларини кўздан кечириш юзасидан Марғилонга ташриф буюрган ЮНЕСКО-нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Сара Ношади хоним.

Дарвоқе, фестивалда Россия, Хитой, Испания, Франция, Монғолия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа мамлакатларнинг хунарманд усталари, рассомлари, соҳа мутахассисларининг ҳам иштироки кутилмоқда. Шунингдек, фестивал доирасида ўтказиладиган илмий-амалий конференция ҳамда ёш хунармандлар учун таниқли усталар иштирокида анъанавий каштадўзлик, табиий бўяш, либослар дизайни буйича маҳорат сабоқлари ташкил этилади.

Зиёда НАЖИМОВА,
«Миллий тикланиш» муҳбири,
Фарғона

Ҳафталик об-ҳаво маълумотлари

Kun	Harorat	Tavsif	Yog'in-garchilik
Chorshanba 5-oktabr	+23° +12°	ochiq havo	0%
Payshanba 6-oktabr	+25° +12°	ochiq havo	0%
Juma 7-oktabr	+26° +14°	ochiq havo	0%
Shanba 8-oktabr	+26° +16°	bulutli	0%
Yakshanba 9-oktabr	+27° +16°	ochiq havo	0%
Dushanba 10-oktabr	+25° +13°	ochiq havo	0%
Seshanba 11-oktabr	+27° +15°	ochiq havo	0%

Болажонлар учун



«ТУНДА ЁЛГИЗ» БИЛАН
САРГУЗАШТ САРИ...

...Шифокор аёл фарзандлари билан тоғли худуддаги ҳовлилардан бирига дам олишга чиқди. Лекин уни шифохонага шошилч «операция»га қақриб қолишди. Шу тариқа болалари тоғда ёлғиз қолишди...

Сир эмаски, баъзан уйда ёлғиз қолишдан катталарнинг ўзлари ҳам чўчийдилар. Айниқса, тунда. Энди олис тоғ бағрида ёлғиз қолган болакайларнинг гаройиб душман қаршисида ёлғиз қолишни тасаввур қилаверинг. «Ёшлар» телерадиоканали буюртмасига асосан «Ўзбектеlevision» ДУК томонидан суратга олинган «Тунда ёлғиз» саргузашт фильми нафақат болажонлар, балки катталарга ҳам қизиқарли ва ҳаяжонга бой томоша тақдим этиши, шубҳасиз. Темуриўлат Тиллаев сценарийси, Ислон Рисқулов режиссёрлигида суратга олинган «Тунда ёлғиз» фильми премьераси 8 октябрь соат 19:10 да «Болажон» телеканалда намойиш этилади. Кўринг ва дам олинг!

«МИЛЛИЙ
ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНING
ИЖТимоий-
СИёсий
ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ,
Амриддин БЕДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАОБОВ, Баходир
МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ,
Иброҳим ГОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минҳожиддин МИРЗО,
Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одилжон ТОЖИЕВ, Отабек
ЖИЯНБОВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза
МУҲАММАДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон
ҚУДРАТХЎҶА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

**ТАХРИРИЯТ
МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри,
Учтепа тумани,
Мақсууд Шайхзода
кўчаси, 1 А-уй.
Газета таҳририят
компьютер
марказида терилди
ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри
таҳририят нуктаи
назаридан фарқ
қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий
этиборимизда бўлиб, улар
муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррирлар:
Равшан МАХМУДОВ,
Абдуғаффор ОМОНБОВ
Нашр учун масъул:
Маъмуржон ЮЛДОШЕВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи:
Асилбек ҚУДРАТОВ,
Лазиз МЕЙЛИКОВ,
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида
чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турун» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтаининг chorshanba кuni чикади.

Адади – 5 051.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Қоғоз бичими: 350x587. **Ҳажми:** 4 босма табоқ
Буюртма – 1016
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 3:05

Электрон почта: ISSN 2010-7714
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru